Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 21 май, № 98 (6028) Чоршанба

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА



**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммити йиғилишида иштирок этиш учун Хитой Халқ Республикасига ташриф буюрди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Си Цзиньпин 20 май куни Хитой раҳбарининг Шанхай шаҳридаги қароргоҳида учрашув ўтказди. Суҳбат чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолади ва ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилашда бундай учрашувлар муҳимлигини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланаётганини қайд этиб, Хитой раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

ХХР Раиси мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш тарафдори эканини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон раҳбари билан бундан буён ҳам яқин шахсий мулоқотни давом эттиришга, икки томонлама муносабатларда "янада юксак марраларга эришиш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солишга" тайёр эканини қайд этди.

Хитой раҳбари давлатларимиз ўртасида минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлади. Си Цзиньпин Ўзбекистон минтақадаги муҳим давлат эканини қайд этиб, Осиё мамлакатлари ўртасидаги ишончни, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт борасида мамлакатимиз билан ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни таклиф этди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга илк давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда тарихий воқеа, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган асосларининг амалий ифодаси экани таъкидланди. Тошкентда бўлиб ўтган музокаралар якуни бўйича Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияни имзолади. Шунингдек, техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, иқтисодий, молиявий, нефть-газ, таълим соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида барча соҳаларда ривожланмоқда. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ушбу ҳамкорлик муносабатларнинг барча йўналишларини қамраб олган. Бунда давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги шахсий мулоқотлари муҳим омил бўлмоқда. Олий даражадаги учрашувлар ва ташрифлар мунтазамлик касб этган.

Ўзаро савдо айланмаси ҳажмининг барқарор ўсиб бораётгани ҳам диққатга сазовордир. Масалан, сўнгги олти йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 6 баробар ошди ва 2013 йилда 5,2 миллиард долларга етди.

Эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида ўттиздан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган 5,3 миллиард доллардан зиёд миқдордаги ҳужжатлар имзоланган.

ХХР Раисининг 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 15 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишга оид 31 ҳужжат имзоланди. Ушбу ҳужжатларда Хитойдан 7,7 миллиард долларлик молиявий ресурслар, шу жумладан, Хитой компанияларининг 1,3 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялари, ушбу мамлакат банкларининг 6,1 миллиард долларга тенг кредит маблағлари ва 0,3 миллиард долларлик давлат грантларини жалб этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокидаги 466 корхона, жумладан, тўла Хитой сармояси билан ташкил этилган 77 корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Хитойнинг 71 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Нохом ашё ва юқори технологияли соҳаларда ҳам инвестициявий шериклик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида 2010 йилда имзоланган Ҳамкорлик дастури бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ХХР раҳбарияти томонидан 2011 йилда илгари сурилган Хитой компаниялари иштирокида Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат паркини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади. Ушбу мақсадда 2013 йилнинг март ойида Сирдарё вилоятида филиали бўлган "Жиззах" махсус индустриал зонаси ташкил этилди. 2013 йил июнь ойидан бошлаб ушбу индустриал зона ҳудудида мобиль телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жорий йилда "Жиззах" махсус индустриал зонасида Хитой компанияларининг қиймати 50 миллион доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестициялари иштирокида ўн бешдан ортиқ қўшма лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Ёқилғи-энергетика комплексида ҳам ХХР билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Марказий Осиё — ХХР газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтиши нефть-газ соҳасида юксак даражадаги ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликдан далолат беради.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси нафақат истиқболли углеводород конларини ўрганиш ва уларни ўзлаштириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё, ундан кейин Жанубий Осиё мамлакатларига чиқишини таъминлайди. Мазкур йўналиш "Ангрен — Поп" темир йўли қурилиши лойиҳасини ўз ичига олган. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси ва Хитойнинг "China Railway Tunnel Group" компанияси ўртасида довондан туннель орқали ўтадиган "Ангрен — Поп" темир йўлини қуриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланди ва хитойлик ҳамкорлар иштирокида 2013 йилнинг июнь ойида мазкур йўл қурилиши бошланди.

Молиявий соҳадаги ҳамкорлик, жумладан, Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки билан алоқалар фаол ривожланмоқда. Хитой молия институтларининг жами кредитлари ҳажми 4,5 миллиард доллардан, шу жумладан, ҳукумат кафолатисиз кредитлар 3,5 миллиард доллардан ошди.

Таъкидлаш жоизки, Хитой Давлат тараққиёт банки энергетика, транспорт, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа йўналишлардаги умумий қиймати 3,8 миллиард доллардан зиёд турли лойиҳаларда иштирок этмоқда.

Хитойнинг Эксимбанки томонидан 2005 йилдан бошлаб умумий қиймати 1,15 миллиард долларлик 32 лойиҳани молиялаштириш тасдиқланган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни, фан ва техника, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эгадир. Таъкидлаш керакки, 2013 йил 15 май куни Шанхай шаҳрида Хитойда биринчи марта Шанхай университети ҳузуридаги ШҲТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди. Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиан, Навоий ва Чжучжоу шаҳарлари, Тошкент вилояти ва Хунан вилояти, Самарқанд вилояти ва Шэнси вилояти ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилган.

Икки давлат раҳбарларининг бу галги учрашуви Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро манфаатли ва серқирра ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президент Ислом Каримов самимий суҳбат ва самарали мулоқотдан сўнг ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитига аъзо давлатлар раҳбарлари шарафига ташкил этилган Хитой санъат усталарининг тантанали концертига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи давом этмоқда.

**Баҳодир ЭРГАШЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Сарвар ЎРМОНОВ
олган сурат.

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Маълумки, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида Тошкентда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар элчилари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

# «Ўзбек халқи буюк аллома ва мутафаккирлари мероси бутун инсониятнинг маънавий мулкидир»

**Жорж КРОЛЛ,**
**Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Ислом Каримовнинг халқаро конференция очилиш маросимидаги нутқидан таъсирландим. Чунки мен тарихчиман, шу боис Президентнинг тарихни ўрганиш аҳамияти ва унинг муҳимлиги ҳақидаги фикрларидан хурсанд бўлдим. Мен Президентнинг ўзбек халқи буюк аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ҳамда илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки экани ҳақидаги фикрини тўла қўллаб-қувватлайман.

Ўйлайманки, ушбу тадбир катта воқеа, айтиш мумкинки, дунё миқёсидаги воқеадир. Мен айнан бу ерда, Ўзбекистондаги ушбу илмий форумда қатнашганим ҳолда, элчи сифатида ўз мамлакатимни намоён этаётганимдан фахрланаман.

**Марианн ПШЕЗЬДЗЕЦКИ,**
**Польшанинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Польшанинг вакили сифатида Амир Темурнинг Осиё қитъаси катта қисмини қамраб олган буюк давлат пойтахти бўлган чоғларда гуллаб-яшнаган Самарқанд шаҳри сингари Европада ўша кезлари Краков ҳам катта аҳамият касб этган шаҳар бўлганини айтишни истар эдим.

Ушбу заминда яшаган ва ижод қилган буюк олим ҳамда мутафаккирларнинг номлари менга яхши таниш. Бироқ биз бугун бу ерда тинглаган чиқишлар ва маърузаларда, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқида тилга олинган маълумотлар жаҳон цивилизацияси тараққиётига ўз таъсирини кўрсатган илмий муваффақиятларга бизларни янада яқинлаштирди. Гап шундаки, буюк аждодлар бутун инсониятга қолдирган бой мероснинг қамровларини бугун теран англашимиз зарур, токи улар олимларнинг ҳозирги авлоди илмий тадқиқот фаолиятининг илдам ҳаракатланишига янги туртки берсин.

Ушбу форумни юқори даражада уюштиргани ҳамда иштирокчиларнинг гўзал шаҳар — Самарқанд сафаридан орттирган унутилмас таассуротлари учун анжуман ташкилотчиларига миннатдорлик билдиришни истайман.

(Давоми 2-бетда).

# КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

*"Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтаётган коммунал, транспорт, капитал қурилиш соҳалари ва қурилиш индустрияси корхоналарининг тармоқ саноат ярмарка ва кооперация биржасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш жараёнлари намойиш этилмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 февралда қабул қилинган "2014 йил Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтказилаётган ушбу тадбир тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Саноат кооперациясини кенгайтириш бу борада, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Аввалги ярмаркалар ва биржалар натижалари шундан далолат беради. Имзоланган шартномалар ва иштирокчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Чунончи, 2013 йилда тармоқ саноат ярмарка ва кооперация биржасида коммунал, транспорт, капитал қурилиш соҳалари ва қурилиш индустриясининг 117 корхонаси иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

# ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ИҚЛИМ

## иқтисодий барқарорлик, аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили

ФОРУМ

Кеча пойтахтимизда VII Халқаро Тошкент сармоявий-молиявий форуми ўз ишини бошлади. Мазкур тадбир "SAIPRO" ахборот-рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Бош Араб суғурта федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш стратегик мақсад сифатида белгиланди. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, бир қатор қонунлар кучга киритилди. Пировардида мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам иқтисодий юксалиш, барқарор ривожланиш кўзга яққол ташланмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот 7,5, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,9, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 12,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2, қурилиш ишлари 15,5 фоиз ошиши таъминлангани бунинг тасдиғидир. Ўз навбатида, 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида капитал қўйилмалар, 588,6 миллион доллар ҳажмида хориж инвестицияси ўзлаштирилди. Банк тизимининг ресурс базаси кенгайтирилиб, сармоявий фаоллиги кучайтирилди. Аниқроғи, уларнинг умумий капитали 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 24,7 фоиз кўпайди. Шунга уйғун тарзда банк тизими капитали етарлилиги даражаси 24,3 фоизни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич халқаро стандартларга нисбатан уч баробар юқоридир. Буларнинг барчаси иқтисодиётни янада кўпроқ кредитлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш асносида халқ турмуш даражаси ва фаровонлигини янада яхшилаш имконини бермоқда. Бинобарин, "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги юртимиз банк тизими ривожланиш истиқболларини кетма-кет бешинчи йил "барқарор" деб тасдиқлади.

(Давоми 2-бетда).

# ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ИҚЛИМ

## иқтисодий барқарорлик, аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, ушбу натижаларни қўлга киритишда республикамизда ишбилармонликни янада равнақ топтириш, иқтисодиёт тармоқларини замон талаблари асосида диверсификациялаш, янгилаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни жадал қўллаб-қувватлаш, қулай ва жозибадор инвестициявий муҳитни яратиш, соҳага молия, солиқ, лицензия ва рухсат бериш юзасидан кўплаб имтиёз, енгилликлар ҳамда преференциялар тақдим этишга ҳар қачонгидан кўра эътибор кучайтирилгани муҳим омил бўлди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борадаги пойдеворни янада мустаҳкамлади.

Бундай ижобий ўзгаришлар чет эллик бизнес вакиллари диққатини ўзига тортмасдан, уларнинг қизиқишини оширмасдан қўймайди, албатта. Навбатдаги халқаро анжуман иштирокчилари сафи янада кенгайгани шундай дейишимизга асос бўла олади. Гап шундаки, унда мамлакатимиз қатори дунёнинг ўттизга яқин давлатидан тегишли вазирлик, ташкилотлар, суғурта, лизинг, аудиторлик, инвестиция, банк-молия ва рейтинг компаниялари, агентликлари, халқаро молия институтларидан қарийб 500 нафар вакил иштирок этаяпти.

Бундай анъанавий йирик форум хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро фаол интерактив мулоқот майдонини яратишда ҳам айни муддаодир. Тадбир давомида шўъба йиғилишлари, суғурта, банк, лизинг ва инвестиция бўйича халқаро конференциялар ҳам ўз ишини бошлади. Шунингдек, мавзуга доир давра суҳбати, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан брифинг ўтказилди. Шулар асносида юртимизда инновацион лойиҳаларни рўёбга чиқариш салоҳияти, чунончи, Навоий, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги махсус иқтисодий зоналар имкониятлари, уларда иш олиб бораётган корхоналар фаолияти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида муфассал маълумотлар ҳам тақдим этилаяпти. Айни чоғда республикамизда 2015 йилгача иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича нефть-газ, кимё, тоғ-кон, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, енгил саноат ва бошқа тармоқларда умумий қиймати 50 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган 500 дан зиёд инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш мўлжалланаётгани алоқаларни бундан-да юқори босқичга кўтариши, шубҳасиз.

— Мазкур форум мавзуси, қамрови жиҳатдан барча иштирокчилар учун долзарбдир, — дейди Руминия лизинг компаниялари уюшмаси президенти Адриана Лиуба Ахчиарлю. — Унда мамлакатингизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш баробарида, хорижлик ишбилармонларга берилаётган катта имтиёзлар, ўзаро ҳамкорлик қилиш учун қулай платформалар яратилгани ҳақида яқиндан бохабар бўлиш мумкин. Бундай жозибадорликдан ким ҳам баҳра олишни истамайди дейсиз? Ахир афзаллик бор жойда барча бирдек манфаатдор бўлади. Шу ўринда юртингизда лизинг бозори равнақ топиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу эса тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада кенг қулоч ёздириш, соҳа вакиллари томонидан сифатли маҳсулотлар етиштириш, юқори даражадаги сервис хизматлари кўрсатишда салмоқли роль ўйнаяпти.

— Ўзбекистон — жадал тараққий этиб, жаҳонда ўз номи ва нуфузини мустаҳкамлаб бораётган мамлакат, — дейди "CITIC" (Хитой) вакили Ли Цзиньтун. — Бунда иқтисодий ислоҳотлар параметрлари аниқ белгилаб олингани, айниқса, хорижлик сармоядорлар қўлига кўплаб молиявий-иқтисодий енгилликлар портфели тутқазилгани ҳам ўзига хос ўринга эга. Шунга мос равишда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳалар қатори, иқтисодиёт тармоқларида изчил ривожланаяпти. Айни пайтда юртингизда 460 дан зиёд Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси самарали фаолият юритаяпти. Бунда, айтиб ўтганимиздек, қулай инвестициявий иқлим, банкларингиз томонидан яратилган шарт-шароитлар салмоқли аҳамият касб этаяпти.

Хорижлик меҳмонлардан қай бири билан суҳбатлашманг, уларнинг барчаси Ўзбекистоннинг бугунги қиёфаси, ривожланиш суръатлари, ҳаёт ободлиги, тараққиётнинг "ўзбек модели" кўплаб давлатлар учун ижобий намуна бўлиб хизмат қилиши ҳақида тўлқинланиб, илиқ фикрларни билдиришмоқда.

Анжуман доирасида Бош Араб суғурта федерацияси билан Ўзбекистон Суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмаси ўртасида ҳамкорликка оид битим имзоланди.

Жорий йилнинг 23 майига қадар давом этадиган VII Халқаро Тошкент инвестициявий-молиявий форуми давомида ташкилотчилар томонидан таъсис этилган "Олтин соябон" ҳамда "Олтин портфель" соҳибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтади.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

# «Ўзбек халқи буюк аллома ва мутафаккирлари мероси бутун инсониятнинг маънавий мулкидир»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Эдгарс БОНДАРС,**
**Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Мен Ўзбекистоннинг жуда кўҳна ва бой тарихга эга эканлигини биламан. Инсоний ҳамда ақл-заковат салоҳиятини асраш ва ривожлантириш муҳим, албатта. Президент Ислом Каримов жуда тўғри қайд этганидек, таълим, маданият ва халқлар дўстлиги — инсоният тараққиёти учун муҳим омиллардир. Конференция жуда мазмунли бўлди. У замонавий илм-фанга алоқадор бўлган кўпгина долзарб масалаларни муҳокама этиш учун яхши имконият яратди.

**Юрий ШТЕРК,**
**Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Делегацияси раҳбари:**

— Халқаро илмий форум — мамлакат ижтимоий ҳаётидаги катта воқеадир. Бу ўзбек халқининг буюк аждодлари хотирасига эҳтиром ҳисобланадики, уларнинг меросини авайлаб асраш, ўрганиш, ривожлантириш ва келгуси авлодларга етказиб бериш зарурдир. Шуниси қувонарлики, конференцияда сиёсий ва илмий доиралар, шунингдек, Тошкентда аккредитациядан ўтган дипломатия корпусининг вакиллари тўпландилар.

Қайд этишим жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи, айниқса, тарихий ўтмиш ва замонавийлик ўртасидаги боғлиқликнинг мавжудлиги, ўз халқининг тараққиёти йўлида ўтмишдан ибрат олиш учун тарихни ўрганиш зарур эканлиги таъкидланган фикрлар менда катта таассурот қолдирди.

**Муҳаммад Содиқ ДАУДЗАЙ,**
**Афғонистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Илмий конференция юксак даражада ташкил этилди. Ушбу форумдаги қатнашув, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандга сафар хорижлик меҳмонларнинг ёдида узоқ вақт сақланиб қолади.

Президент Ислом Каримов буюк аждодларнинг хизматларига яна бир бор ҳурмат ва эҳтиром кўрсатгани ҳолда, жамият ҳаётида ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнлари ўзидан юз бермайди, дея жуда тўғри эслатиб ўтди. Улар халқнинг кўп асрлик маданий-маънавий анъаналарига асосланади.

Менинг назаримда, бундай халқаро тадбирларни ўтказиш мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги дўстликни, бирбирини ўзаро тўғри тушуниш, ишонч ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

**«Жаҳон» АА.**

■ ҚАРОР ВА ИЖРО

*Ички ишлар вазирлиги Академиясида Президентимизнинг 2014 йил 19 февралдаги "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги ҳамда шу йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижроси доирасида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилди. Унда пойтахтимиздаги юридик коллежлари ва Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицей ўқувчи ҳамда ўқитувчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.*

# Ёшлар учун «Очиқ эшиклар куни»

Эътироф этилганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлом ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, йигит-қизларимизни замон талабига жавоб берадиган етук малакали мутахассислар қилиб тайёрлаш борасида кенг кўламли хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Буни ИИВ Академиясида рўёбга чиқарилаётган ишлар ва қўлга киритилаётган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тадбирда ўқувчи-ёшлар Академияда яратилган шарт-шароитлар ҳамда ушбу ўқув юртига қабул қилиш шартлари билан атрофлича танишиш имкониятига эга бўлишди. Хусусан, тергов, тезкор-қидирув, жиноятларнинг олдини олиш ва эксперт-криминалистика мутахассисликлари ҳамда Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларидаги патруль-пост, йўл-патруль, ҳуқуқбузарликлар олдини олиш, қўриқлаш, ёнғин хавфсизлиги, хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати, жазони ижро этиш каби йўналишлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Дарҳақиқат, бу ерда тингловчиларнинг зарур билим олишлари учун жаҳон андозаларига мос келувчи ўқув ва моддий-техник база яратилган. Айни чоғда Академиядаги инновацион педагогик технологиялар, тест, одам савдоси ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш, криминалистик тадқиқотлар ўтказишни ўргатиш марказлари, криминалистик полигон, намунали милиция таянч пункти ўқув маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази, тергов фаолияти мутахассислиги ўқув-методик хонаси, педагогик маҳорат мактаби, замонавий ахборот-коммуникация тизими билан жиҳозланган маъруза заллари самарали фаолият кўрсатмоқда.

— Ички ишлар тизими учун малакали кадрлар етказиб беришда мазкур билим юртининг алоҳида ўрни бор, — дейди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Тошкент юридик коллежи директори Наталья Темирова. — Академиянинг ўқув, моддий-техник базаси, таълим муассасасининг асосий йўналишлари, унинг таркибий тузилмалари ҳамда ўқув-тарбия ва илмий тадқиқот жараёнини янада ташкиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишдик. Бу эса ўқувчиларнинг ушбу таълим даргоҳига бўлган қизиқишларини янада оширди.

"Очиқ эшиклар куни" ИИВ Академияси ҳамда таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Тадбирда ўқувчиларга 2013 йилда ўтказилган "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув қўлланмаси" республика танловида биринчи ўринга лойиқ кўрилган "Мустақиллик ғойибдан келган эмас..." ўқув қўлланмаси тақдим этилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Илм-фан ютуқлари ва самарадорлик

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташаббуси билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзкимёсаноат" давлат-акциядорлик компанияси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжуманида ер унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.*

■ АНЖУМАН

Таъкидландики, Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, қарор доирасида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси кенгайтирилиб, илмий муассасалар томонидан яратилаётган инновацион ишланмалар орасидан энг истиқболлилари амалиётга жорий қилинаяпти.

Анжуманда кейинги йилларда мамлакатимиз олимлари томонидан яратилиб, амалиётда кенг қўлланилаётган янги инновациялар, серҳосил навлар, экологик тоза биоўғитлар ҳақида маълумот берилди. Масалан, республика Фанлар академияси Микробиология институтида инсон саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавфсиз ўғит олиш технологиялари яратилган. Жумладан, 5 та биопрепарат Давлат кимё комиссиясида рўйхатга олиниб, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун тавсия этилган.

Шу билан бирга, юртимиз олимлари ғўза геномикаси ва ген инженериясида эришган юксак натижалар бутун дунёда шуҳрат қозонмоқда. Гап шундаки, жаҳон бўйича биринчи бўлиб Ўзбекистонда ғўза учун ген-нокаут технологияси ишлаб чиқилиб, шу асосда ғўзанинг серҳосил, эртапишар, қурғоқчиликка чидамли, толаси узун ва сифатли "Порлоқ" нави яратилди ҳамда 2013 йилда синовдан муваффақиятли ўтказилди.

Соҳага татбиқ қилинаётган шу каби инновациялар табиий ресурсларни тежаш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш, пировардида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган 590 турдаги маҳсулот ва хизматларнинг 40 дан зиёди янгидир. Умумий қиймати 9,6 миллиард сўмдан ортиқ миқдордаги шартномалар имзоланди.

Жорий саноат ярмарка ва кооперация биржаси экспозицияси мажмуанинг 170 дан ортиқ етакчи корхонаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг маҳсулот ва хизматларидан иборат. Улар орасида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси, "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик компанияси, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги корхоналари, бошқа компаниялар, шунингдек, кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бор. Уларнинг стендларида ишлаб чиқарилаётган экспортбоп товарлар, шунингдек, истиқболда маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар билан танишиш мумкин.

Мамлакатимизда 130 дан ортиқ бўлимларига эга бўлган "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси ушбу саноат ярмаркасида ҳар йили фаол иштирок этиб келмоқда. 2013 йил якунларига кўра, уюшма томонидан қиймати 76,9 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди, 385 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ва 478 миллиард сўмдан зиёд маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва маҳаллийлаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларининг амалга оширилишини жадаллаштириш, халқаро сифат стандартларига ўтиш эвазига шундай натижаларга эришилди.

"Тошкент қувур заводи" қўшма корхонаси маҳсулотлари ярмаркага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу маҳсулотлар қурилиш мажмуаси, ёқилғи-энергетика, коммунал хўжаликлар, шунингдек, кичик ва хусусий компания ҳамда фирмалар томонидан кенг фойдаланилмоқда. 2000 йилда завод атиги 4 минг тонна қувур ишлаб чиқарган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 115 минг тоннадан ошди. Бу ерда хорижлик хом ашё ва материал етказиб берувчиларга боғланиб қолишни қисқартириш, товар турларини кенгайтириш, маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш борасида режали ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилда қўшимча қувватларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилаётир. Бу йилига 220 минг тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

"Ўзкоммунхизмат" агентлиги хорижий шериклар билан ҳамкорликда оқова сувларни тозалаш ва насос ёрдамида тортиб чиқаришнинг янги технологиясини тақдим этмоқда. Ярмаркада таклиф этилаётган сув фильтрлари — қум, нефть ва ёғ тутқичлар, биологик тозалаш тизимлари соатига 6 минг литргача оқова сувни самарали тозалаш имконини беради. Шунингдек, оқова сувни тортиб чиқариш учун модернизация қилинган канализация насос станциялари ҳам таклиф қилинмоқда. Энг муҳими, ушбу технологиялар қишлоқ жойларда, жумладан, Тошкент вилоятида намунали лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишида муваффақиятли қўлланилмоқда.

Транспорт тармоғи, жумладан, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг улкан стендлари ярмарка иштирокчилари ва меҳмонлар эътиборини тортмоқда. Бугунги кунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Осиё, Америка ва Европанинг 40 дан ортиқ шаҳарларига парвозларни амалга оширмоқда. Биргина 2013 йилда авиакомпания томонидан 24,5 мингдан зиёд рейс амалга оширилиб, 2,6 миллион нафардан ортиқ йўловчи ва 41 минг тонна юк ташилди. Технологик паркни модернизация қилиш, Ғарбда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган лайнерларга техник хизмат кўрсатиш базасини ривожлантириш, ер усти инфратузилмасини такомиллаштириш, ҳаво ҳаракатларини бошқариш тизимини ислоҳ этиш борасида мунтазам ишлар амалга оширилаётир.

Унинг "САР" махсус ишлар шўъба авиакомпанияси қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларида ўз хизматини таклиф қилмоқда. Кичик ҳажмдаги самолётлар, шунингдек, вертолётларнинг катта паркига эга бўлган ушбу муассаса қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига авиация ёрдамида қарши курашиш, ҳаводан суратга олиш ишлари билан шуғулланмоқда, наркожиноятчиликка қарши кураш, баланд тоғларда қор қопламларини кузатиш, метеостанциялар ходимлари хавфсизлигини таъминлашга жалб этилмоқда, шунингдек, тоғ чанғиси билан шуғулланадиган сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. "Uzbekistan airways technics" авиатаъмирлаш корхонаси замонавий самолётларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича кенг кўламли хизматларни тақдим этмоқда.

Тармоқ саноат ярмаркасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай корхоналар саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишда муҳим ўрин тутади. Мебель саноати тармоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари маҳсулотлари кенг тақдим этилмоқда. Кенг турдаги ошхона, ётоқхона, идора, таълим ва тиббиёт муассасалари мебеллари замонавий дизайни, юқори сифати ва қулайлиги билан ажралиб туради. Хусусан, пойтахтимиздаги мебель бозорида 10 йилдан кўпроқ вақтдан буён иштирок этиб келаётган "Mebel biznes system" масъулияти чекланган жамияти харидорларга 15 турдаги маҳсулотни таклиф қилмоқда. Корхона шахсий буюртмалар бўйича бу рўйхатни янада кенгайтиришга тайёр.

Коммунал, транспорт, капитал қурилиш соҳалари ва қурилиш индустрияси корхоналарининг тармоқ саноат ярмарка ва кооперация биржаси 22 майга қадар давом этади. Корхоналарнинг махсус тақдимотларида техник ва технологик имкониятлар борасида тўлиқ тушунчага эга бўлиш ва ҳамкорлик учун таклифлар олиш мумкин. Бундан ташқари, тадбир иштирокчилари ишлаб чиқаришнинг техник янгиликлари ва ютуқлари билан танишиш, яқин истиқболда ишлаб чиқариладиган материал ва бутловчи қисмларга бўлган талабни аниқлаш, саноат маҳсулотларининг янги турларини ўзлаштириш борасида шартномалар тузиш имкониятига эга бўлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров сўзга чиқди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**Муҳаммад ҚАРШИБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# Санъат кошонаси фойдаланишга топширилди

*Ангрен шаҳрининг олис Дукент қўрғонида спорт ва санъат саройи, истироҳат боғи, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўз ичига олган замонавий маданият маркази фаолият бошлаганига кўп бўлмаган эди.*

■ ТУҲФА

Яқинда улар қаторига болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси ҳам қўшилди.

— Муассасамиз 150 ўқувчига мўлжалланган, — дейди мактаб раҳбари Шукуржон Норбоев. — Янги чолғу асбоблари, кўргазмали воситалар билан жиҳозланган шинам ўқув ва услубият хоналари, ахборот-ресурс маркази, концерт зали, шунингдек, қўшимча тўгараклар фаолияти санъатсевар болажонларимизга ҳақиқий туҳфа бўлди.

Шуниси диққатга сазоворки, кейинги бир йил мобайнида вилоятда худди шундай санъат кошоналаридан 6 таси эртамиз эгаларига қучоқ очди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 20 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2145,84 | 1 Россия рубли | 65,91 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3856,13 | 1 Украина гривнаси | 195,00 |
| 1 Дания кронаси | 420,90 | 1 Малайзия ринггити | 713,01 |
| 1 БАА дирҳами | 624,10 | 1 Польша злотийси | 751,01 |
| 1 АҚШ доллари | 2292,31 | 1 СДР | 3541,60 |
| 1 Миср фунти | 322,29 | 1 Туркия лираси | 1094,18 |
| 1 Исландия кронаси | 20,39 | 1 Швейцария франки | 2572,17 |
| 1 Канада доллари | 2111,37 | 1 евро | 3154,36 |
| 1 Хитой юани | 367,43 | 10 Жанубий Корея вони | 22,42 |
| | | 10 Япония иенаси | 225,78 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

*Қашқадарёлик ёшлар ҳам “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг финал босқичига қизғин тайёргарлик кўришмоқда.*
*Айтиш жоизки, ушбу вилоятда йилдан-йилга спорт инфратузилмаси такомиллаштирилиб, барча шарт-шароит тобора яхшиланиб бораётгани туфайли минглаб ўғил-қизлар Олимпиада дастуридан ўрин олган спорт турларини пухта ўрганиш, нуфузли беллашувларга муносиб тайёрланиш имкониятига эга бўлишаяпти.*



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Пухта ҳозирлик, ғалабага иштиёқ



Жумладан, бугунги кунда Қарши шаҳрининг ўзида учта стадион, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган спорт-соғломлаштириш марказлари ва мажмуалари фаолият кўрсатмоқда. Қарши олимпия захиралари спорт коллежи, Ахборот технологиялари коллежи, болалар спорти мажмуалари ҳамда олий ўқув юртларидаги спорт иншоотларининг моддий-техника базаси ҳавас қилгулик даражада. Ҳозирги вақтда айнан шу масканларда “Баркамол авлод — 2014”нинг ҳал қилувчи босқичи олдидан ўқув-машғулот йиғинлари ўтказилаётир.

— Бу галги мусобақалар дастурига бокс, оғир атлетика, дзюдо ва таэквандо (WTF) қўшилиб, ғолиблар номи жами 16 та спорт тури бўйича аниқланади, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бош услубчиси Шуҳрат Абдураҳмонов. — Ана шулар бўйича ташкил этилган саралаш беллашувларида муваффақиятли иштирок этган 79 нафар ўсмир ва қиздан терма жамоа шакллантирилди. Бу ёшлар ўз маҳоратларини нафақат машқ жараёнида, балки турли мусобақаларда ҳам ошириб боришаяпти. Айтайлик, сузиш бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган республика кубогида вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 15 нафар ўқувчиси қатнашди. Улар Наманганда бўладиган беллашувларда вилоят шарафини ҳимоя қилишади. Умуман, “Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинларининг финал босқичида вакилларимизнинг оғир атлетика, эркин кураш, шахмат, қўл тўпи, футбол, бадиий гимнастика, таэквандо (WTF) бўйича имкониятлари юқори баҳоланмоқда. Жамоаларимиз таркибида олтин медалларга даъвогарлик қиладиган иқтидорларимиз бор.

Дарҳақиқат, Ш. Абдураҳмонов айтганидек, бошқа спорт турларида ҳам муваффақиятга эришаётган ёшлар вилоят терма жамоасига жалб қилинган. Жумладан, қўл тўпини олайлик. Ўтган йили 1997/1998 ва 1999/2000 йилларда туғилган қизлардан иборат икки жамоа халқаро турнирда қатнашиб, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

— Ушбу мусобақа “Баркамол авлод” ўйинларига тайёргарлик доирасида биз учун жуда фойдали бўлди, — дейди Ғузор қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Дилдора Бўриева. — Беллашувлар давомида рақибларимизнинг ўйин услубидаги муҳим жиҳатларни кузатдик, таҳлил қилдик, ўзимизнинг услубларимиз билан таққослаб кўрдик. Умуман, халқаро турнирдан кўп нарса ўргандик.

Юртимизда спортни оммалаштиришдан кўзланган асосий мақсад, аввало, жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир. Бунинг аҳамиятини Президентимиз жуда кўп ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берганлар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деган эдилар: “Бизнинг мана шу қисқа — йигирма икки йиллик янги тарихимизда мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимиз, эртанги кунимизни қуришда, юртимизни турли бало-қазолардан асрашда, Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдонида муносиб обрў топишида энг асосий омиллар нима деб сўраса, мен, бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтган бўлардим: бу йўлдаги энг муҳим омил — бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан”.

Мана шу сўзларнинг ўзиёқ юртимизда келажагимиз бўлмиш ёшлардан умидимиз катта эканлигини англатади.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Соғлом оила ва тарғибот

*Пойтахтимизда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва “Фаол” нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда ёшларнинг оила қуриш кўникмаларини ошириш ва улар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш чораларини кўришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

ТАДБИР

Унда қайд этилганидек, Президентимиз раҳнамолигида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, ўзаро ишонч, меҳр-муҳаббат, орзу-умид ва миллий қадриятлар қўрғони бўлган оила институтини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмушни қарор топтириш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда. “Соғлом бола йили” Давлат дастури бу борадаги ишларнинг кўламини кенгайтириб, мазмун-моҳиятини янада бойитишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Соғлом бола соғлом оилада туғилади, камолга етади. Ёшларда оила ва оилавий муносабатлар, оила масъулияти ҳамда оила психологиясига доир билим ва кўникмаларни ошириш соғлом оилаларни шакллантиришнинг асосий шартларидандир. Никоҳ ёшига етмаган, ўз мустақил фикри ва позициясига эга бўлмаган, жамиятда муносиб ўрнини топиб улгурмаган қиз ёки йигитнинг оила қуриши келгусида ўзаро келишмовчилик ва кўнгилсизликларга, энг ачинарлиси, ажралишларга сабаб бўлиши мумкин. Мамлакатимизда эрта никоҳларнинг олдини олиш, ушбу ижтимоий муаммонинг сабаб ва оқибатларини чуқур ўрганиб, зарур чора-тадбирларни кўришга эътибор ошаётгани бежиз эмас. Муҳими, мазкур масалада нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Хусусан, “Фаол” нодавлат нотижорат ташкилотининг “Ёшларнинг оила қуриш кўникмаларини ошириш ва улар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш чораларини кўриш” лойиҳаси айни мақсадга йўналтирилгани билан эътирофга лойиқ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган ушбу лойиҳага кўра, Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчи-ёшлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси психологлари, тиббиёт ходимлари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари, шунингдек, ота-оналар иштирокида мавзу юзасидан семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ўтказилди. Мазкур жараёнда ёшларнинг, ота-оналарнинг, маҳалла институти, таълим муассасалари вакилларининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ўрганилди.

Соғлиқни сақлаш, адлия тизими, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари вакиллари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, пойтахтимиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтган анжуманда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Эрта никоҳларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш, мактабларда, лицей ва коллежларда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзуни янада кенг қамровда ёритиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 10 МАЙДАН 16 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Аукцион ва танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Иқтисодиёт вазирлигининг 2014 йил 10 апрелдаги 01/22-26/14, 7/8, 63-сонли қарори.*

**2014 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2181-1 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

2. «Коммунал хизматларга тарифларни шакллантириш ва рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2014 йил 15 апрелдаги 33, 65, 03-1/392-сонли қарори.*

**2014 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2198-1 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

3. «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 19 апрелдаги 12/15-сонли қарори.*

**2014 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 626-3 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

4. «Банкларни қайта ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 19 апрелдаги 12/12-сонли қарори.*

**2014 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 456-1 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

5. «Автомобилда ташувчи томонидан ҳайдовчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича йўл-йўриқлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2014 йил 22 апрелдаги 22-сонли буйруғи.*

**2014 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2582 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

6. «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 6 майдаги 2014-17-сонли қарори.*

**2014 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1724-2 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

7. «Нефть базалари, турғун, контейнерли ва кўчма автоёқилғи қуйиш шохобчаларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2014 йил 16 апрелдаги 60-сонли буйруғи.*

**2014 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2583 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

8. «Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширувдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 15 апрелдаги 5-сонли буйруғи.*

**2014 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2584 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

9. «Банкнинг устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, номи ва жойлашган ерини ўзгартириш, уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 19 апрелдаги 12/16-сонли қарори.*

**2014 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 573-4 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

10. «Почта алоқасида франкирлаш машинасидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2014 йил 8 майдаги 81-мҳ-сонли қарори.*

**2014 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2008-1 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

11. «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 12-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2014 йил 8 майдаги 82-мҳ-сонли қарори.*

**2014 йил 15 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-3 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

12. «Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2014 йил 28 апрелдаги 101-сонли буйруғи.*

**2014 йил 16 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2585 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

13. «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ва унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 8 майдаги 39, 2014-20-сонли қарори.*

**2014 йил 16 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1446-6 (2014 йил 19 майдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом», 1–5-сон ўзгартириш ва қўшимчалар *(рўйхат рақами 1446, 2005 йил 31 январь), (рўйхат рақами 1446-1, 2005 йил 28 сентябрь), (рўйхат рақами 1446-2, 2006 йил 8 февраль), (рўйхат рақами 1446-3, 2006 йил 11 июль), (рўйхат рақами 1446-4, 2007 йил 7 март), (рўйхат рақами 1446-5, 2008 йил 18 март). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 16 майдаги 130-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

# Совриндорлар аниқланди

ВЕЛОМАРАФОН

*Пойтахтимизда “Касаба-тур” веломарафонининг республика босқичи ўтказилди.*

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган мусобақада турли тармоқларда фаолият кўрсатаётган беш юз нафардан зиёд ҳаваскор велоспортчи қатнашди.*

Таъкидлаш жоизки, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур веломарафон аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини янада кенг тарғиб қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Жорий йилда мусобақанинг вилоят, шаҳар ва республика босқичларида 280 минг нафардан ортиқ киши иштирок этгани бунга бир мисолдир.

Веломарафонда икки йўналиш бўйича ғолиблар аниқланди. Яъни 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган эркаклар ўртасидаги пойгада Тошкент шаҳри вакили М. Тўраев ғалаба қозонди. Хотин-қизлар ўртасида эса Қорақалпоғистон Республикаси спортчиси К. Бегжанова марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келди. 35 ёш ва ундан катта ёшдагилар ўртасида Тошкент вилояти вакиллари Е. Киршин ҳамда Д. Аллоярова муваффақиятга эришди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**


● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

***Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!***

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидаги совутқичлар (кондиционерлар)ни сотиб олиш учун тендер савдоларини эълон қилади:**

- 9000 BTU қувватга эга бўлган сплит-тизимлар — 67 тўплам;
- 12000 BTU қувватга эга бўлган сплит-тизимлар — 21 тўплам;
- 18000 BTU қувватга эга бўлган сплит-тизимлар — 55 тўплам;
- 48000 BTU қувватга эга бўлган колонна типидаги — 33 тўплам.

*Тендер таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 календарь куни давомида қабул қилинади.*

**Тендер саволлари қуйидаги манзилда ўтказилади: 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (8-371) 255-75-12 (навбатчи), 255-75-11, 281-43-76.**

773А/394

**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 30 октябрдаги 14675/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота (собиқ Тошкент) тумани, «Масалбой» ҚФЙ, К. Одилов кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 208,20 кв.м., участканинг умумий майдони 213,0 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2014 йил 18 мартдаги 2281-83/28-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 61-уйда жойлашган, умумий майдони 672,0 кв.м., фойдаланиш майдони 626,5 кв.м. бўлган 691-сонли бинодаги 15, 16, 17-сонли савдо дўконлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 800 000 000 сўм.***

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 61-уйда жойлашган, жами дўконларнинг майдони 991,0 кв.м. бўлган 1-блокда жойлашган № 2, 7, 8-сонли савдо дўконлари ҳамда 9-блокда жойлашган № 9-сонли савдо дўкони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 575 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 20 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Кўксарой» ҚФЙда жойлашган, «Mavlonbek Alibek» МЧЖга қарашли, ер участкасининг майдони 5,74 гектардан иборат 0001-литердан 0026-литергача бўлган ферма бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 833 531 140 сўм.***

Такрорий аукцион савдоси 2014 йил 6 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.

777R/562

**Schetchik.Uz**

**ГАЗ, ЭЛЕКТР ВА СУВ ҳисоблагичлари**



**Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 34-уй.**
**Мўлжал — Ҳамза тумани электр таъминоти корхонаси.**
**Тел.: (+99890) 957-51-21, факс: (8-371) 283-66-88.**
**МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.**

243R/190


“Ўзбекгидроэнергоқурилиш” ОАЖ жамоаси “Автотранспорт-энергоқурилиш” унитар корхонасининг директори Холбек Мухановга падари бузруквори **Йўлдош ота МУХАНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 678 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
***Девонхона 233-52-55;***
***Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.***

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**· МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.**
**Навбатчи — О. Файзиев.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 23.40** 1 2 3 4 5